



АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИГА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ТОМОНИДАН ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ.

**Тураев Шахриёр Шодиёрович – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар
палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бош бухгалтери.
Самарқанд иқтисод ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси**

Аннотация: Ушбу мақолада адвокатлик тузилмаларида фаолият олиб боровчи адвокатлар томонидан кам таъминланган, тўлов қобилияти мавжуд бўлган миждозларга бепул ҳуқуқий хизматни амалга оширганда унинг харажатлари қандай усулларда қопланиши кўрсатилинган. Қопланиши лозим тўловларнинг жойлардаги молия бўлимлари томонидан низом ва мийёрий ҳужжатлар асосида тўланиш йўллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: тузилма, давлат ҳисобидан, молия муассасалари, маблағ, қопланиши, БҲМ, фоиз.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон тажрибаларидан маълумки хизматлар учун тўланиши лозим маблағ тўғри йўналтирилган бўлишлиги лозим. Хар бир бажарилган иш кўрсатилган хизматларни харажатларини қопланишлиги энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Адвокатлик тузилмаларига бажарилган адвокатлик хизматлари учун гонорар тўловини асосан миждозлар томонидан қопланади. Кам таъминланган адвокатлик хизматларига муҳтож миждозларга айрим ҳолларда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатилганда унинг ўрнини қоплашлик давлат молия бўлимлари томонидан амалга оширилади. Ҳозирда бу тўловларни асосли ва тўғри тўланишлиги ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мазкур мавзу билан мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ҳам олимлар ва амалиётчи ходимлар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Л.Б. Хван, Ф.Ҳ. Отахонов, Ҳ.Б.Бобоев, И.Б.Зокиров, Ў.Х.Мухамедов, З.Муқимов, Х.Т.Одилқориев, О.Оқюлов кабиларни¹⁰ киритиш мумкин. Ушбу олимларнинг асарларида мазкур масала қисман ўрганилган бўлиб, унда юридик хизматларида айнан адвокатлик тузилмаларини муоммолари қараб чиқилган. Ушбу ҳолат ҳам танланган мавзунинг ҳозирги кунда, ўта долзарб муаммонинг ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

Тадқиқот методологияси. Мақолада анализ ва синтез, замон ва макон, мантиқий таҳлил, сабаб ва оқибат, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, тизимли

¹⁰ Хван Л.Б. "Солиқ ҳуқуқи" 2001 й. 430-Б Консаудитинформ нашриёти, Отахонов Ф.Ҳ. "Юридик хизматнинг ҳўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли" Ж.Ҳўжалик ва ҳуқуқ. - 2001. - 10-сон. - Б.26-33., Каримов И.А. "Адолат қонун устиворлигида". -Т. "Ўзбекистон". 2001й., Ҳ.Б.Бобоев "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" 2000 й. 523-Б. Тошкент Давлат юридик институти, И.Б.Зокиров "Фуқаролик ҳуқуқи" 2009 й. 609-Б. Тошкент Давлат юридик институти, Ў.Х.Мухамедов "Ҳуқуқшунослик асослари" 2019 й. 348-Б. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВАкадемияси, 2019, З.Муқимов "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи" 2003.Тошкент Адолат нашриёти. 280-Б. , Х.Т.Одилқориев "Ўзбекистонда давлат ва жамият инновацион ривожланишининг ҳуқуқий жиҳатлари" 2019й. Юристлар малакасини ошириш маркази. 307-Б. , О.Оқюлов "Интеллектуал мулк ҳуқуқи" 2005 й. Фалсафа ва ҳуқуқ институти Тошкент. 40-Б.,



ёндошув, индукция ва дедукция, иқтисодий математик ва статистик каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бизга маълумки бажарилган иш ёки хизматнинг ўз қийматига эга ва шунга нисбатан тўланган миқдор баҳоси ёки нархи ҳисобланиб, бунда хизматлар ёки товарларга нисбатан кетган меҳнат, материаллар, хомашё сарфи аниқланиб, оқибатида баҳо ёки нарх келиб чиқади. Хизматлар баҳосига қараб унинг фойдаси ёки нафлилик даражаси ҳам аниқланади.

Ҳозирда Республикамизда адвокат томонидан кўрсатилган хизматлар учун фуқаронинг тўлов қобилияти бўлмаса адвокатлик хизмат ҳақини 2024 йилнинг 21 ноябр кунги “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби”¹¹ тўғрисидаги № 774- қарор билан тасдиқланган низомга мувофиқ давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланаишлиги кўрсатилиб, низомнинг 5- бобида **“Давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдамни молиялаштириш асослари, миқдорлари ва ҳақ тўлаш тартиби-деб қўйидаги ҳолатларни кўрсатган;**

40. Адвокат томонидан тасдиқловчи ҳужжатлар тегишли адлия бўлимига «Юридик ёрдам» ахборот тизими орқали юборилганлиги кўрсатилган давлат ҳисобидан юридик ёрдамни молиялаштириш учун асос бўлади.

41. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатаётган адвокат алмаштирилганда ёки давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тугатилганда ёхуд қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иш юритиш тўхтатиб турилганда, адвокатга амалда кўрсатилган давлат ҳисобидан юридик ёрдами учун ҳақ тўланади.

42. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ миқдорларда ҳақ тўланади.

43. Икки ва ундан ортиқ шахсларга битта фуқаролик, маъмурий, жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда, психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги бўйича ишларда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга ҳар бир ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги шахс) учун ушбу Низомга 5-иловада белгиланган миқдорларнинг 80 фоизи миқдорида ҳақ тўланади.

44. Адвокат томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хизмат сафари ва транспорт харажатлари адвокат шартнома тузган жойдан 50 км масофадан узоқ бўлган ҳудудда юридик ёрдам кўрсатилган ҳолларда қопланади.

45. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг туман (шаҳар) бўлими томонидан унга тасдиқловчи ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг биринчи ўн беш куни давомида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокатга у фаолият юритаётган адвокатлик тузилмасининг банк ҳисобварағига пул ўтказиб бериш йўли билан ҳақ тўланади.

46. Агар фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарори давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилган жисмоний шахснинг фойдасига қабул

¹¹ “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби” тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 21 ноябрдаги 774-сон қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 09/24/774/0945-сон



қилинган бўлса, суд иккинчи тарафдан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети фойдасига ундириб олади, иккала тараф Қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар деб эътироф этилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахс давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар тоифаларидан бирига кириш мақсадида ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатларнинг ўрни юридик ёрдам олган жисмоний шахс томонидан қопланнишлиги белгиланган.

Ушбу Низомнинг 33-банди ўнинчи хатбошисига мувофиқ давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни тугатиш асослари вужудга келганлиги ҳақида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахс ёки психиатрия муассасаси томонидан адлия бўлимига хабар берилмаган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни тегишлича давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахс ёки психиатрия муассасаси томонидан қопланади.

Адвокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги тўғрисида ёлғон ёки нотўғри маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни адвокат томонидан қопланади.

Ушбу банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган шахслар томонидан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш рад этилган тақдирда, бундай харажатлар суд тартибида ундирилади.”-деб Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 21 ноябрдаги 774-сон қарорида кўрсатилган.

1.- жадвал.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатган адвокат учун тўланадиган ҳақ миқдорлари. (БХМ га нисбатан, низомнинг 5- иловаси)

Т/р	Амалга оширилган ҳаракат номи	Амалга оширилган вақти	Ҳақ миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан)
1.	Терговга қадар текширув, суриштирув, тергов жараёнида, судда кўрилаётган ишларда ва психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда юридик ёрдам кўрсатилган ҳар бир кун учун	Кун давомида	50 фоиз
		Тунги вақтларда	75 фоиз
		Дам олиш ва байрам	100 фоиз



		(ишланмайдиган) кунлари	
2.	Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан ҳимоячидан воз кечиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларда иштирок этганлиги учун (<i>ҳар бир процессуал ҳаракат учун алоҳида ҳисобланади</i>)	Кун давомида	30 фоиз
		Тунги вақтларда	45 фоиз
		Дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари	70 фоиз
3.	Судга ариза ва шикоятлар киритганлик учун	Амалга оширилган вақтдан қатъи назар	20 фоиз
4.	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари учун (<i>юридик ёрдам кўрсатилган ҳар бир кун учун ҳисобланади</i>)	Амалга оширилган вақтдан қатъи назар	25 фоиз

Бу жадвалда адвокатлик хизматини бажарган адвокат учун унинг хизмат турларига қараб унга давлат томонидан ҳар бир бажарган ишига ҳақ тўланиши БХМ га нисбатан кўрсатилган. Шунинг билан бирга адвокатлик хизмати (юридик ёрдам)ни амалга оширишда иш куни бўлмаган кунларда ва кетган сарф харажатларни ҳисобга олган ҳолда адвокатнинг хизматига давлат томонидан ҳақ тўланишлиги кўрсатилган.

Адвокатларнинг умумий топширган адвокатлик хизматлари учун тўловлар унга нисбатан давлат томонидан ҳақ тўлаш эвазига бажарилган адвокатлик хизмати ва миждозлар томонидан тўланган маблағларни биз тадқиқот утказётган Самарқанд шаҳар "Самарқанд Конун Устуворлиги" адвокатлар хайъати, Жомбой туман "Жомбой химоя" адвокатлик фирмаси, Ургут туман "Шомуродова Х.Р." адвокатлик бюроларида таҳлил қилниб жадвал асосида ишлаб чиқилди.

2.-жадвал.


Адвокатлик хизматидан тушган маблағларни миждозлар ва давлат томонидан тўланишини фарқ ифодаси.

Т/Р	ЙИЛЛАР КЕСИМИДА	АДВОКАТЛИК ИШЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ		Жами ишлар учун туланган маблағлар миқдори	Давлат томонидан тўланган миқдор жамига нисбатан фоиз кўринишди
		Адвокатлик хизмати учун мижозлар томонидан тўланган миқдор	Адвокатлик хизмати учун давлат томонидан ажратилган миқдор		
1	"Самарканд Конун Устуворлиги" адвокатлар хайъати				




	2022 йил	355561	198816	554377	36
	2023 йил	502083	121422	623505	19
	2024 йил	595706	142751	738457	19
	"Жомбой химоя" адвокатлик фирмаси				
	2022 йил	49616	14505	64121	23
	2023 йил	52290	14110	66400	21
2	2024 йил	84170	22435	106605	21
	"Шомуродова Х.Р." адвокатлик бюроси				
	2022 йил	26390	405	26795	2
	2023 йил	62202	1245	63447	2
3	2024 йил	120080	340	120420	0,3


Бу жадвалда адвокатлар томонидан бажарилган хизматларнинг умумий суммасидан "Самарканд Конун Устуворлиги" адвокатлар хайъати ҳисобварағига жами тўловдан 2022 йил 36%, 2023 йил 19%, 2024 йил 19% , "Жомбой химоя" адвокатлик фирмаси ҳисобварағига жами тўловдан 2022 йил 23%, 2023 йил 21%, 2024 йил 21% , "Шомуродова Х.Р." адвокатлик бюроси ҳисобварағига жами тўловлардан 2022 йил 2%, 2023 йил 2%, 2024 йил 0,3% давлат ҳисобидан бажарилган адвокатлик хизматлари эвазига ажратилган маблағларни ташкил қилади.



1.- расм. "Самарканд Конун Устуворлиги" адвокатлар хайъати адвокатлик хизматидан тушган маблағларни мижозлар ва давлат томонидан тўланиши фарқини график ифодаси.



2.- расм. "Жомбой химоя" адвокатлик фирмасы адвокатлик хизматидан тушган маблағларни мижозлар ва давлат томонидан тўланиши фарқини график ифодаси.



3.- расм. "Шомуродова Х.Р." адвокатлик бюроси адвокатлик хизматидан тушган маблағларни мижозлар ва давлат томонидан тўланиши фарқини график ифодаси.



1.- расмда "Самарканд Конун Устуворлиги" адвокатлар хайъати, 2.- расмда "Жомбой химоя" адвокатлик фирмаси, 3.- расмда "Шомуродова Х.Р." адвокатлик бюросиларига мижозлар ва давлат томонидан адвокатлик хизматидан тўловлар фарқининг жамига нисбатан қанчани ташкил этишининг ўсиш график ифодаси кўрсатилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январида “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2733-сонли Қарори.

2. Хван Л.Б. “Солиқ ҳуқуқи” Консаудитинформ нашриёти, 2001 й. 430-Б,

3. Қ.Ж.Мирзаев, Т.С.Шарипов, Ш.А.Султонов, Ғ.С.Мустафоев, Э.С.

4. Файзиев. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Дарслик - Самарканд: «FAN BULOG'I» нашриёти, 2022, 252 бет.

5. Б.Уразов, С.В.Вахидов. БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИК. Дарслик, 2010 – 445 б.

6. Отахонов Ф.Ҳ. “Юридик хизматнинг хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашдаги роли” Ж.Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – 10-сон. – Б.26-33.,

7. Мухамедов Ў.Х. “Ҳуқуқшунослик асослари”. Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2019 й. 348-Б.

Тураев Шахриёр Шодиёрович - Главный бухгалтер Самаркандского областного управления Палаты адвокатов Республики Узбекистан. Независимый исследователь. Аннотация: В статье описываются методы, с помощью которых юристы, работающие в адвокатских структурах, возмещают расходы на оказание бесплатных юридических услуг малообеспеченным, трудоспособным клиентам. Указываются методы уплаты обязательных платежей местными финансовыми органами на основании нормативных актов и нормативных документов. Ключевые слова: структура, за счет государства, финансовые учреждения, средства, возмещение, МНП, проценты.	Turaev Shakhriyor Shodiyorovich - Chief Accountant of the Samarkand Regional Office of the Chamber of Advocates of the Republic of Uzbekistan. Independent researcher. Abstract: The article describes the methods by which lawyers working in advocacy structures reimburse the costs of providing free legal services to low-income, able-bodied clients. The methods of paying mandatory payments by local financial authorities on the basis of regulatory acts and regulatory documents are indicated. Key words: structure, at the expense of the state, financial institutions, funds, compensation, MNP, interest.
---	--